



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЯНГИ ТАҲРИДАГИ КОНСТИТУЦИЯСИДА МУЛК ҲУҚУҚИ МАСАЛАЛАРИ

Валижонов Акмал Рахимович

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш
агентлигининг Тадқиқотлар маркази бўлим мудир, и.ф.н.

Тел. 712592254, e-mail: research@davaktiv.uz

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10090631>

ARTICLE INFO

Received: 03rd November 2023

Accepted: 08th November 2023

Online: 09th November 2023

KEY WORDS

Конституция, қонун, мулк
ҳуқуқи, хусусий мулк,
даҳилсизлик, эгалик қилиш,
фойдаланиш, тасарруф этиш.

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституциясида мулк ҳуқуқи ва уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш масалаларига бағишланган моддаларининг мазмуни ва моҳияти ёритилган. Ишда амалдаги қонунчилик нормаларидан фойдаланган ҳолда Конституциянинг мулк ҳуқуқи билан боғлиқ моддаларга шарҳлар келтирилган.

КИРИШ

Мамлакатимизнинг Янги таҳрирдаги Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинди. Янги таҳрирдаги Конституцияда мулк ҳуқуқи, мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши ҳамда хусусий мулк даҳилсизлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 июндаги Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида давлат раҳбари томонидан қуйидагилар таъкидлаб ўтилди: “Яна бир муҳим масала. Тараққиётнинг кўп асрлик тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусий мулксиз, унинг ишончли кафолатисиз, кучли ижтимоий давлатни қуриб бўлмайди Шу боис Бош қомусимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатларни кучайтиришимиз лозим. Токи, катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир тадбиркор доимо давлат, Конституция, қонунлар ҳамда Президент ҳимоясида эканини амалда ҳис этсин”¹ [1].

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Конституция ҳуқуқи бўйича изланишлар хорижий олимларидан Кочетков В.В. [2], Румянцев М.Б. [3] Прудентов Р.В. [4], Енгибарян Р.В. [5], мамлакатимиз олимларидан Саидов А.Х. [6], Хусанов О.Т. [7] ва бошқаларнинг асарларида ёритилган.

НАТИЖА ВА ХУЛОСАЛАР

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи. (<https://uza.uz/ru/posts/konstituciyaviy-islohotlarimizning-bosh-maqsadi-inson-qadri-xalq-manfaatini-amalda-taminlashdir>)



Мулк ҳуқуқи билан боғлиқ масалалар Янги таҳрирдаги Конституциясининг 41, 65, 66 ва 68 моддалари билан тартибга солинган. Конституциямизнинг 41-моддаси биринчи қисмида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгиланган. Яъни ҳар бир шахс мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эгалиги эътироф этилган.

Конституциянинг 65-моддасида Ўзбекистон иқтисодиёти фуқароларнинг фаровонлигини оширишга қаратилганлиги ва унинг асоси хилма-хил мулк шакллари билан иборатлиги белгиланган.

Янги Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади халқ турмуш фаровонлигини ошириш, инсон қадрини улуғлаш, халқчил ва инсонпарвар давлат қуришдан иборатдир. Аслида, бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини таъминлаш ҳам ушбу мақсадга эришишга қаратилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг халқ фаровонлигини оширишга қаратилганлиги Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳуқуқий жиҳатдан қатъий мустаҳкамланди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб жамиятда хусусий мулк улушини кўпайтириш ва иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини яратишга эътибор қаратилди. Ўзбекистонда собиқ иттифоқ давридаёқ биринчилардан бўлиб, 1990 йил 31 октябрда «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Қонунда хусусий мулкнинг ҳуқуқий ҳолатлари эътироф этилди. Унга мувофиқ хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатлиги, хусусий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ва (ёки) ёлланма меҳнатни қўллашда шахсан бевосита иштирок этишига асосланиши мумкинлиги белгиланди.

1997 йил 1 мартдан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг амалга киритилиши мулк муносабатларининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади. Кодексга мувофиқ, мулкнинг икки шакли мавжуд бўлиб, булар оммавий мулк ва хусусий мулкдир.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 65-моддасида барча мулк шаклларининг яъни хусусий ва оммавий мулкнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши қатъий белгиланган. Мулкдорлар ҳуқуқларини тенглигини таъминлаш кафолатлари, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари, бузилган мулк ҳуқуқини тиклаш тартиби ва мулк ҳуқуқини даҳлсизлигини таъминлаш механизмлари 2012 йил 24 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни билан ҳам тартибга солинган.

Мулк ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш бўйича вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг даҳлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-198-сонли Фармони муҳим аҳамиятга эга.



Фармонга асосан хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулккий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи бир қатор тартиблар, талаблар ва чекловлар 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб бекор қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 66-моддасига мувофиқ мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

Ушбу моддада мулк ҳуқуқининг мазмуни ва моҳияти белгиланган. Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи мuddатсиздир, яъни мулк эгаси ўзига тегишли бўлган мулкдан абадий фойдаланиши, ўзининг мулкни ҳоҳлаган вақтда тасарруф этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида мулк шаклларида бири бўлган оммавий мулк, яъни давлат мулкига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш масалари 2023 йил 9 мартда қабул қилинган “Давлат мулкни бошқариш тўғрисидаги” Қонуни билан ҳам тартибга солинган.

Қонунга мувофиқ давлат мулкига эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланиш давлат мулкни бошқариш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат мулки ижарага, ишончли бошқарувга, текин фойдаланишга, сақлашга ва гаровга, шунингдек давлат-хусусий шериклик шартлари асосида берилиши мумкин.

Давлат мулкнинг яхлитлигини ва бут сақланишини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ, ушбу давлат мулки ўзига бириктирилган давлат органлари, давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари томонидан амалга оширилади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 68-моддасининг 2 қисмида ер қонунда назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу норма Конституцияга янгидан киритилган бўлиб, Конституциянинг олдинги таҳририда мавжуд бўлмаган. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ер азалдан хусусий мулк объекти ҳисобланган ва ундан мулкдорлар фуқаролик ҳуқуқий муомаласида фойдаланганлар.

Ер чекланган табиий ресурс бўлганлиги боис, фуқаролик муомаласига тортиладиган объектлар ичида алоҳида ўрин тутуди ва уни хусусийлаштириш масаласи ҳар томонлама чуқур уйланган ёндошувни талаб этади. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқларни мустаҳкамлаш ва ерлардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун ҳуқуқий асосларни яратиш ишлари бошланди. Ўтган йиллар давомида юридик ва жисмоний шахсларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқлари такомиллаштириб борилди ва қишлоқ



хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш учун ташкилий ҳамда ҳуқуқий асос яратилди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2021 йил 15 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” Қонуни қабул қилинди². Қонунда қуйидагилар назарда тутилган ва ҳуқуқий тартибга солинган:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаси тушунчаси ва ерларни хусусийлаштиришга доир бошқа асосий тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифи;

ер участкаларини хусусийлаштиришнинг асосий тамойиллари;

ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида давлат бошқаруви;

хусусийлаштириш субъектларига доимий фойдаланиш (эғалик қилиш), ижара ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқлари асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиби;

ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали хусусийлаштириш тартиби;

хусусийлаштирилган ер участкаларининг ҳуқуқий мақоми.

Қонунга асосан ерларини хусусийлаштириш ихтиёрийлик тамойили асосида олиб борилади..

Ер участкаларини хусусийлаштириш субъектларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари киради..

Чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, шунингдек давлат органлари, муассасалари ва корхоналари хусусийлаштириш субъектлари бўлмайди.

2022 йил 14 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 71-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ ер участкаларини хусусийлаштиришда давлат хизматларини кўрсатиш, уларни электрон онлайн аукционлари орқали сотишни тартибга солишга доир низомлар қабул қилинди.

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, фуқаролар ва юридик шахсларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларни хусусийлаштиришда қулайликлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 ноябрдаги 685-сонли қарори билан юридик ва жисмоний шахслар учун уларни қонуний эғалигидаги ерларни хусусийлаштириш қийматини аниқлашда ўша кунда белгиланган базавий ер солиғи ставкасининг 20 бараваридан Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида 10 бараварига, бошқа ҳудудларда 5 бараварига камайтирилди.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки Янги таҳрирдаги Конституцияда мулк ҳуқуқи ва уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кафолатларининг

² Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида” Қонуни (<https://lex.uz/docs/5729966>)



мустаҳкамланганлиги иқтисодиётда хусусий мулк улушининг ортишига, эркин рақобат муҳитини ва тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи. (<https://uza.uz/ru/posts/konstituciya-viy-islohotlarimizning-bosh-maqsadi-inson-qadri-xalq-manfaatini-amalda-taminlashdir>).
2. Кочетков В.В. Идея справедливости и Конституционные проблемы государства // Российский журнал правовых исследований. – 2015 - № 3 (4).
3. Румянцев М.Б. Некоторые особенности конституционного правотворчества // Адвокат. -2016. - № 7
4. Метод правового регулирования: вопросы теории и конституционного права. Монография / Р. В. Прудентов. – Москва : Статут, 2019.
5. Енгибарян Р. В. Конституционное развитие в современном мире: основные тенденции / Р. В. Енгибарян. – М. : Норма, 2007.
6. Саидов А.Х. ва бошқалар. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. Т.:”Сомплекс-Принт”. - 2019.
7. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик.- Т.:ТДЮИ.-2012.